

Барчаларимизга маълумки, Ислом уммати қадимдан тажвид илмига катта аҳамият бериб келган. Салаф уламолар бу йўлда ўзларининг беминнат хизматларини кўрсатиб, кўплаб китоблар таълиф қилганлар.

Аввал таъқидлаб ўтганимиздек, Куръони Қаримнинг биз мўмин-муслмонлар устида ҳақлари бор. Улардан бири Куръонни тўғри, тажвид қоидаларига мос ҳолда тиловат қилишдир. Мақсад – Аллохнинг Қаломини тадаббур этиш, унинг маъноларини тўғри фаҳмлаб этиш ва амал қилиш. Бу нарса тажвид илмини муқаммал эгаллаган устоздан таълим олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳар ким ўз имкониятига қараб бир устоз ёрдамида тажвид илмини эгаллаши лозим.

Энди бевосита тажвид илми хакида тўхталиб ўтамиз. Куръони Қарим бизгача ишончли ровийлар томонида нақл қилиниб келинган ва унинг таълими мушофаха йўли билан амалга оширилади. Барча қорилар силсиласи Набий соллаллоху алайҳи васалламга бориб такалади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам эса, ўз навбатида, Куръонни Жаброил алайҳиссалом воситасида қабул қилганлар. Жаброил алайҳиссаломга Аллох таоло томонидан ушбу Китобни Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга етказиш омонати топширилган. [1]

Куръони Қарим бизларга Оламлар Парвардигори тарафидан тажвидли ҳолда нозил қилинган бўлиб, ўз навбатида, бизлар ўша аслиятни сақлаб қолишга кўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз керак.

«Тажвид» сўзи лугатда «бирон нарсани яхшилаб, сифатли ва муқаммал ҳолда бажариш» маъносини аниқлатади. Истилоҳда эса Куръондаги сўзларнинг ҳар бирини ўз микдори ва сифатида талаффуз қилиш, истеъло ва истефола ҳарфларини бир-биридан фарқлаб, тафҳим, таркик, идғом, изҳор ҳамда шу қаби қоидаларга амал қилиб ўқишни таълим бериш илмдир.

Тажвид илмининг мақсади – ҳар бир Куръон ўқувчи кишига тўғри ва чиройли ўқиш, ҳар хил оҳанглардан сақланишни таълим бериш ҳамда дунёю охиратда бандани Аллохнинг розилигига эриштириш.

Куръони Қаримни тажвид билан ўқиш Куръон ўқувчи ҳар бир муслим ва муслима учун фарзи айн ҳисобланади. Киши хоҳ намозда, хоҳ намоздан ташқарида бўлсин, тўғри тиловат қилиши лозим.

Аллох таоло Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳамда у Зотнинг умматларига шундай амр қилган:

«Куръонни тартил билан тиловат қилинг!» (Муззаммил, 4).

«Тартил» сўзи бирон нарсани шохмасдан, очик-ойдин ва тушунарли қилиб айтиш маъносига эга. Ибн Аббос ушбу оятни «Хамма тушунадиган қилиб ўқинг», Заххок эса «Ҳарфма-харф, оятни дона-дона қилиб ўқинг», дея тафсир қилишган.

Абу Исҳоқ: «Тартил қироатда шошилмасликдир. Бу ҳар бир ҳарфни ўз маҳражидан чиқариб, уларни бир-бири билан аралаштириб юбормай ўқиш билан бўлади», деб айтган. Яна бир ояти қаримада Аллох таоло Ўзининг Китобини тўғри тиловат қиладиган бандаларини мактаб шундай деган:

«Биз Китоб ато этган зотлар (орасида) уни тўғри тиловат қиладиган кишилар (ҳам бор)дирки, ана ўшалар (Куръонга) иймон келтирурлар. Ва қимда-қим унга (яъни Куръонга) қофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир» (Бақара, 121).

Ушбу оятда Аллох таолонинг Китобини тўғри ўқимайдиган, тажвид қоидаларига амал

килмайдиган эътиборсиз кишилар танкид килинмокда.

Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай деганлар: «Куръонни таганний килмаган одам биздан эмас!» (Бухорий ривояти).

Имом Шофеий: «Ушбу хадиснинг маъноси кироатда овозни чиройли ва майин килишдир», деб айтган.

## Тажвид илмини ўрганиш фазилати

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ривоят килади: «Кимки Аллохнинг Китобидан бир харф ўкиса, унга бир хасана (яхшилик, савоб) ёзилади. У савоб (Аллох даргохида) ўн баробар зиёда килинади. Мен «алиф, лам, мийм»ни бир харф деб айтмайман, балки «алиф» бир харф, «лам» бир харф ва «миём» бир харфдир» (Термизий ривояти. Хадиснинг санади хасан-сахих-гариб).

Яъни Аллох таоло Куръон Каримни ихлос билан, тажвид коидаларига амал килиб тиловат килувчи корига хар бир харфни ўқигани учун ўнта савоб ва яхшилик ато килади. Бу ерда Аллохнинг Китобини тиловат килиш фазилатли амаллардан эканлиги айтилмокда. Аллох таоло бандаларига Ўз Китобини ўқиш оркали кўп-кўп ажр ва мукофотларга эришиш имкониятини бериб қўйган. Ўз ўрнида, бу имкониятдан хар биримиз унумли фойдаланишимиз керак. Бунинг учун Куръони Каримни ўқиш коидалари хисобланмиш тажвид илмидан дарс килиш, уни пухта ўзлаштириб олиш керак. Куръони Каримнинг хар бир харфини ўқиганлик учун ўнта савоб олиш учун Каломуллохни тажвид коидаларига мос килиб ўқиш талаб этилади. Тўғри, Куръоннинг бошка тилларга килинган таржималарини ўқиш ҳам савобли иш, лекин хадисда келган ваъдалар айнан тажвид илми талабларига мувофиқ холда, соф араб тилида тиловат килган кишиларгагина тааллуқлидир.

Хадисларнинг яна бирида ўзаро йигилишиб, Куръонни тиловат килиш ва тажвид коидаларини ўрганиш жуда фазилатли амал экани таъкидланган. Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг шундай деганларини ривоят килади: «Агар бирон кавм Аллохнинг уйларидан бир уйда йигилиб, Аллохнинг Китоби (Куръон Карим)ни ўқисалар, уни ўзаро дарс килиб ўргансалар, албатта, уларнинг устиларига сакийна тушади, рахмат ўраб олади ва фаришталар ҳам уларни канотлари билан ўраб оладилар ҳамда Аллох уларни Ўз даргохидагилар қошида зикр килади» (Муслим, Абу Довуд ва бошкалар ривояти).

Бу ердаги «сакина»дан мурод тинчлик, хотиржамлик, саломатлик, бахт-саодат ва ибодатларнинг хусни кабул килинишидир.

Оиша розияллоху анҳо ривоят килади: «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Куръонни махорат билан тиловат килувчи кори улуг фаришталар билан бир макомдадир, тили кийналиб тиловат килувчига икки баробар кўп ажр бўлади», деб айтганлар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Куръони Каримни махорат билан, ҳеч кийналмай ўқий олиш ўзига хос фазилат бўлса, тили харфларни талаффуз килишга кийналадиган кишиларнинг даражаси улардан юқорирокдир. Чунки кийинчилик билан бўлса-да, Раббимнинг Китобини ўқийман, унга

амал киламан, деган бандани Аллох кўпрок яхши кўради. Шунингдек, тили оятларни ўқишга унчалик келишмаётган кишининг сабр килиб, тиловатда бардавом бўлиши – кийин иш. Шу сабаб адолатли Зот бўлган Аллох таоло буни ҳам инобатга олиб, банданинг харакатларини муносиб такдирлайди. Ўз навбатида, бизлар тажвид илмини ўрганиш ёки Каломуллохни ўқиш давомида бирон машаккатга дуч келсак, сабр килишимиз, Аллохнинг бандаларига берадиган беҳисоб ажрларини хаёлдан ўтказишимиз керак.

Яна бошқа бир хадисда шундай дейилади: «Сизларнинг яхшиларингиз Куръонни ўрганиб, сўнг уни (бошкаларга) ўргатувчиларингиздир» (Бухорий ривояти).

Бу ерда, умуман, Куръон илмларини ўрганиш назарда тутилмоқда. Куръон илмларига оятларнинг нозил бўлиш сабаблари (асбабун-нузул), маккий ва маданий суралар, носих ва мансух оятлар, муҳкам ва муташобих оятлар, колаверса, тажвид илми ҳам киради.

Демак, ушбу илмларни ўрганиб, кейин уни бошкаларга таълим бериш банданинг Аллох даргоҳидаги мартабаси ошишига сабаб бўлади.

[1]Бу хакида Куръони Каримда шундай дейилган: «(Эй Мухаммад, уларга) у (Куръон)ни Рухул-Кудус (яъни Жаброил) Парвардигорингиз тарафидан имон келтирган зотларни собиткадам килиш учун, муслмонларга Хидоят ва Хушхабар килиб ҳаққи-рост нозил қилганини айтинг!» (Нахл, 102).